

---

## Янги уйлар қуриш бўйича реновация дастури жорий этилади

**Президент эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида босқичма-босқич энг замонавий шароитга эга бўлган янги уйлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш лозимлигини айтди.**

Президент ўзининг парламентга мурожаатномасида реновация дастурини, яъни, фойдаланиш муддати тугаб, эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида босқичма-босқич энг замонавий шароитга эга бўлган янги уйлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш лозимлигини айтди. Бу ҳақда ЎЗА [хабар берди](#).

Хукумат уч ой муддатда кўп қаватли уй-жой фонди тўлиқ хатловдан ўтказилишини таъминлаши керак. Йирик мегаполисларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда, реновация дастурини амалга татбиқ қилиш лозим.

«Газета.uz»

2018-12-28 13:42:12